

Электрон танлов ёки электрон тендер ўтказиш тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 7-сон буйруғи (рўйхат рақами 3016-3, 2020 йил 13 апрель) билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда - Низом) асосида Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Марказий аппарати ва филиалларининг давлат харидларини электрон шаклда амалга ошириш тартибини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

лот – турли белгилари бўйича гуруҳлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг жамланмаси сифатида буюртмачи томонидан белгиланган ва алоҳида шартнома бўйича харид предметининг миқдорий қисми;

махсус ахборот портали – операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформаси;

махсус ахборот портали оператори – давлат харидларининг субъектларига харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш, махсус ахборот порталига эълонларни, буюртманомаларни ҳамда давлат харидлари ва уларнинг якунлари тўғрисидаги бошқа ахборотни жойлаштириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;

шахсий кабинет – электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ХККП) – буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси томонидан киритиладиган пул маблағларини ҳисобга олиш ва улар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминлайдиган Операторнинг таркибий бўлинмаси;

электрон давлат харидлари – давлат харидлари субъектларининг ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакллари;

электрон рақамли имзо (ЭРИ) – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

электрон ҳужжат – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

2-боб. Электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишнинг умумий шартлари

2. Буюртмачи ва иштирокчилар ХҚКПдаги шахсий ҳисобварақларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон давлат харидларига қўйилади.

3. Буюртмачи ва иштирокчилар электрон харидлардаги иштирокларини ЭРИдан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

4. Буюртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан закат киритиш зарурати ва миқдори буюртмачи томонидан белгиланади ҳамда киритилган закат оператор томонидан электрон танлов ёки электрон тендер қолиби билан шартнома тузилгунига қадар хатланади. Бунда закат миқдори товар (иш, хизмат) қийматининг 3 фоизидан ошмаслиги керак.

5. Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошган ҳолларда танлов бўйича техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази билан келишиб олиниши лозим.

6. Ишлаб чиқилган тендер ҳужжатлари лойиҳаси буюртмачи томонидан тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказига юборилади.

7. Харид комиссияси буюртмачининг тегишли қарори билан тузилади ва тарқатиб юборилади.

8. Электрон давлат харидлари ўтказиш бўйича харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкиллаштиради.

9. Харид комиссияси аъзоларининг таркиби ва сони олинadиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариши мумкин.

10. Электрон давлат харидлари ҳўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси буюртмачининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқи билан экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки филиаллари зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқи билан Молиявий менежмент департаменти ва Капитал қурилиш департаменти ходимларини Харид комиссияси таркибига (банк Бошқарувининг розилик хати билан) киритишга ҳақли.

12. Қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги электрон давлат харидлари ўтказилганда харид комиссияси таркибига буюртмачининг вакилларида ташқари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “ЎЗИнжиниринг” республика лойиҳалаштириш институти вакиллари киритилади.

13. Электрон давлат харидлари лойиҳа фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси вазибаларини белгиланган тартибда ташкил этиладиган лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ бажаради, у харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижалари тўғрисида қарорлар қабул қилади.

14. Буюртмачи харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазибаларини амалга ошириш учун электрон тизимда шахсий кабинет очади.

15. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг электрон тизим томонидан ёпиқ чат орқали мулоқот қилиш имконияти таъминланади.

16. Электрон тизимдаги шахсий кабинетга биринчи маротаба кирилаётганда харид комиссиянинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан унинг раиси иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши зарур.

17. Харид комиссияси раисининг аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, электрон танловни ўтказиш жараёни буюртмачи томонидан янги харид комиссияси раиси тайинлангунига қадар тўхтатилади.

18. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада шарҳ қолдириши шарт. Белгиланган муддатларда харид комиссияси аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бўйин товлаган тақдирда, у овоз беришдан бош тортган деб тан олинади. Харид комиссия раиси овоз беришда бош тортишга ҳақли эмас.

3-боб. Электрон танлов ўтказиш тартиб-таомиллари

19. Буюртмачи электрон танловни ўтказиш учун тоқ сонли аъзолардан (камида беш кишидан) иборат харид комиссиясини тузади.

20. Электрон танлов воситасидаги харидларни ўтказиш шартлари Низомнинг 3¹-бобида мувофиқ белгиланади.

21. Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

танлов таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ёлиб сифатида аниқлайди.

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлов таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ёлиб деб топилади.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Танлов таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йиғилишининг электрон баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборади.

Харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди.

23. Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилиқ овози билан қабул қилинади.

24. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда имзоланади. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

25. Электрон танловнинг исталган иштирокчиси электрон баённома эълон қилинганидан сўнг буюртмачига электрон танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

26. Электрон танлов ўтказиш натижаларига кўра шартнома Низомнинг 3-боби 7-параграфига мувофиқ тартибда электрон шаклда тузилади, томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ҳамда шартномалар реестрига киритилади.

4-боб. Электрон тендер ўтказиш тартиб-таомиллари

27. Электрон тендер ўтказиш учун буюртмачи ҳузурида тоқ сонли (етти кишидан кам бўлмаган) аъзолардан иборат харид комиссияси тузилади.

28. Электрон тендер орқали давлат харидларини амалга ошириш шартлари Низомнинг 4¹-бобига мувофиқ белгиланади.

29. Тендер ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

тендер таклифининг техник ва нарх қисимларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори бал тўплаган иштирокчини (бал усулидан фойдаланганда). Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, тендер таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади;

тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон тендерда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

31. Тендер таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.

Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

32. Электрон тендернинг исталган иштирокчиси тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига электрон тендер натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

33. Электрон тендер ўтказиш натижаларига кўра шартнома тузиш Низомнинг 4-боби 7-параграфига мувофиқ тартибга солинади. Бунда шартнома электрон ҳужжат шаклида тузилади, томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ва оператор томонидан шартномалар реестрига киритилади.

5-боб. Яқуний қондалар

34. Мазкур Йўриқнома талаблари амалдаги шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормалари асосида тайёрланган бўлиб, ушбу ҳужжатни қўлланиши натижасида келиб чиққан ҳуқуқий муносабатлар, тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.